



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 25 апрель, чоршанба

№32 (11.317)

Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, Оқ уй раҳбари ўзгарганидан кейин АҚШ маъмурияти расмий вакилларида иборат делегация илк бор юртимизга ташриф буюрмоқда.

Маъмур ташриф АҚШнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётганини яна бир қарра тасдиқлайди, — деди Ислам Каримов меҳмонлар билан суҳбатда. — Шунинг таъкидлаши истардимки, Ўзбекистон ҳам АҚШ билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори.

Айни пайтда хавфсизликни таъминлаш борасида бизга АҚШ томонидан кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдоримиз. Зеро, бундай саяё-ҳаракатлар кимнинг аслида қимлигини, яъни Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашга ким самимий ёрдам бераётганини, ким кўмак бериш бахонаси билан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш

Президентнинг бу сўзлари бежиз эмас. АҚШ мамлакатимизга кўп бор божхона хизмати, куролли кучлар ишлатадиган замонавий техника воситалари етказиб берган ва берамоқда. Бу гал эса меҳмонлар чегарачиларимиз учун тунда кўриш мосламалари олиб келган.

Оқсаройдаги учрашувда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди. Томонлар, айниқса, минтақавий хавфсизлик масалаларига кўп эътибор қаратди. Хусусан, Афғонистондаги зиддиятнинг бартараф этиш бўйича тузилган «6+2» гуруҳи доирасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, террорчиликка қарши кураш, давлат чегарасини мустақамлашда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

(ЎЗА).

ВИЛОЯТНИНГ ЯНГИ «КЕЙС»ЛАРИ

Бу йил республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзсанотмашин» давлат акциядорлик компанияси АҚШнинг «Кейс корпорейшн» томонидан 200 дон «Кейс» машиналари харид қилди.

Машина-трактор паркларини худудий бирлашмалари буюртмалари асосида тузилган битим 32,626 миллион доллар миқдоридидаги галла ўрадиған «Кейс» комбайнлари ва 12 миллион долларлик эҳтиёт қисмларни сотиб олишни кўзда тутди.

Республика ҳукуматининг қарорига кўра, бошқа вилотлар қатори Тошкент вилояти 20 дон янги «Кейс» комбайнига эга бўлади.

Ҳукумат қарори билан молиялаштириш схемаси белгилаб берилган. Хусусан, контрактнинг 15 фоизи чет эл банки кредит ҳисобига тўланади.

«Туркистон-пресс».

Шу кунларда Оққўрғон тумани галлазорларини айланган кишининг кўзи қувнайди, баҳри-дили очилади. Беистисно, барча майдонларда бугдойнинг авжи баланд, кўчат қалин. Ўғитга тўпган, сувга қонган экин йўғон тортиб, ёппа ва йирик бошоқлаган. Бу — бўлажак ҳосил ва баракали хирмондан дарак.

Умуман, туманда ҳар йили пахтачиликдаги каби, галладан ҳам барқарор ҳосил етиштирилиб, давлатга дон сотиш режаси ортиғи билан бажарилмоқда. Чунинчи, ўтган мавсумда 24 минг 368 тонна галла ўриб-янчиб олинди. Ҳосилдорлик 32,5 центнерданга тўғри келди. Давлатга дон сотиш шартнома режаси 101,5 фоиз омилига бажарилди.

Бугдойнинг ҳозирги кундаги ривож бу йил ҳосил янада мўл ва сифатли бўлишидан дарак бермоқда. Ҳўш, туманда галлачилик тармоғи бир маромда ривожланиб, ҳосилдорлик йилдан йилга ортиб бораётганлигининг асосий омиллари нимада?

Туман кишлқк ва сув хўжалиғи бошқармаси бош ҳосилоти Шавкат Мухторовнинг таъкидлашига қараганда, тармоқнинг барқарорлигини таъмин-

лайдиган иккита энг муҳим масала оқилона хал этил-

ган. Биринчидан, галла мустақиллигига эришиш учун кураш бошланган дастлабки йилданок туман шароитига ҳар томонлама мос келадиган навларни танлашга жиддий эътибор қаратилди ва бу борада ўтган йиллар тажрибаси асосида муҳим тўхтамга келинди. Маълум бўлишича, туманда «Крошқа», «Маржон», «Сангзор-8» ва айниқса, «Умманка» бугдой навлари энг кўп ҳосил берад экан. Жумладан, ўтган мавсумда «Умманка» ҳисобига режалар анча

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

1. Оқариб кўринади чаман қишлоқлар

Тошкент халқа йўлини айлансангиз мустақил Ўзбекистон пойтахтининг ғарбий қанотида уфқларга туташ мева ва узум боғлари, бугдойзорлар, сабзавот пайкалларига йўлингиз тушади. Бир пайтлари беш-олти канал ва Бўзсув бўйларидаги паст-баланд тепаликлар, қир-адрлардаги ўт-ўланлар жавзо кириши билан қовжираб, сарғайиб ётарди. Эндиликда улар текисланиб, ўрикзорлар, олмасзорлар, тоқзорлар барпо этилди.

Йўл-йўлакка бири-биридан обод, бири-биридан кўркам қишлоқлардан ўтасиз. Олис-яқинларда оқариб кўринувчи шинам уйларга бир қур кўз ташлаб, бир фурсат хаёлга чўмсангиз, кўз ўнгингизда кундан-кунга обод ва кўркам бўлиб бораётган худуд пайдо бўлади.

Бу қишлоқларнинг номлари ҳам, тарихию тарҳи ҳам, бугунги амалию амал ҳам ўзгача — ҳар бири ўзига хос: Зангиота, Хонобод, Ўзғариш, Эркин, Эшонгузар, Назарбек... Уларнинг айримлари кўна устидида Буюк ипак йўли устида барпо этилган, баъзиларини турли томонлардан кўчиб келган аجدдоларимиз тўқайзорлар, қирларини ўзлаштириб барпо этишган.

Ўзбекистон шаҳарларини мамлакат пойтахти билан боғловчи барча шох йўллар шу қишлоқлар орқали ўтади. Бу ҳам қадим-қадимларданок уларнинг қиёфаси, аҳолисининг маънавий-маданий даражаси, касб-кор рисоласи ва тирикчилик маъмурига ўз ёрқин таъсирини кўрсатиб келади. Бу жихатларга мустақиллик эпкинлари ҳам ўз «тузатиш»ларини киритапти. Бу қишлоқлар бўйлаб халқа йўли сиртида янги-

янг обод масканлар — хилма-хил савдо расталари, катта-кичик бозорлар, йўловчилар ва автомашиналарга турли-туман хизмат кўрсатувчи катта-кичик корхоналар пайдо бўлмоқда.

Шу катта йўллардан бири

РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛИ

- Туманда 150 мингга яқин киши яшайди.
- Умумий майдони 240,8 минг квадрат километр.
- Бугунги кунда турли мулкчилик шаклидаги 21та санот, ўндан зиёд қурилиш, саккизта транспорт, 29та қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият кўрсатмоқда.
- Ишлаб чиқаришга ҳариж инвестицияси кўплаб кириб келмоқда. 21та қўшма корхона ишлаб турпти.
- Банк ҳисоб-кредит ва қишлоқ хўжалик колледжлари, 40та мактаб, 35та болалар боғчаси, 17та тиббиёт маскани, уч санаторий, 46та клуб ва кутубхона, бешта спорт ўйингоҳи мавжуд.

— Эски Тошкент йўлига бурилисангиз, бироз юриб, Зангиота қишлоғига кириб борасиз. Қадимий меъморий ёдгорлик олисдан кўзга ташланади. Бу манзилдан ҳоҳ ёш, ҳоҳ кекса — ҳеч бир йўловчи бефарқ ўтмайди. Уларнинг аксарияти бир фурсат тўхтаб, бу муборақ ва муқаддас қадимжони зиёрат қилади, Зангибува руҳи-покларини ёдга олиб, эзгу орзу-ниятларига Яратгандан амал тилайди. Манса, саккиз асрки, бу табаррук зотнинг сержилло маънавий нурлари мўминлар-

ЗАНГИОТА: МЕҲНАТ БИЛАН ЮРТИНИ ОБОД ЭТГАН ЭЛ



ни меҳнат ва бунёдкорликка, тўғрилиқ ва ҳалолликка даъват этиб, Буюк ипак йўлини ёритиб турипти.

Соҳибқирон Амир Темур бу муқаддас қабрни зиёрат қилиб, макбара қуришга фармон берадилар. Унинг қурилиши кейинроқ темирйўлнинг улуғи — олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек томонидан мукаммалга етказил-

«Зангиота» ширкат хўжалигининг раҳбари Иномиддин Мухиддинов. — Ўртача иш ҳақи 32 минг сўмни ташкил этди. Ишловчиларга 25 миллион сўм дивиденд тўланди.

Истиқлолнинг ўнчинчи йилига Зангиота тумани ана шундай моҳияти қутлуг қадамлар билан етиб келди. Қишлоқларни айлансангиз, ҳар қадамда мустақиллик туфайли тобора чўқур илдиэ отаётган янги ҳаёт куртакларини кўраверасиз. Улар «Қобил ота» фермер хўжалиғи, «Гидравлика» ҳиссадорлик жамияти, ҳорижий шерик билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган «Морал-125» комбайнлари, «Камрон» ва «Файз» фирмалари, ўнлаб кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналари, коллежлар, «Ҳосил» халқ дастаси, теннис кортларию янги-янги спорт иншоотлари... тим-солларидан кўз ўнгингизда намоён бўлаверади.

Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар туман салоҳиятини ҳар жиҳатдан янги руҳиятдаги одамлар билан суҳбатлар, ҳаётдаги катта-кичик ҳар бир ўзгаришлар дилларни қувантиб, қўнғилларга сўнмас иштибоҳ бағишлайди. Истиқбол эса бундан-да нури. Булар — ўз тақдирини чин маънода ўз қўлига олган замондошларимиз тинимсиз меҳнатлари, иштиёқли изланишларининг илк самараларидир.

Галла-2001

қорақуя ҳам тушмади.

— Лекин ундан олдинги йили айрим майдонлардаги бугдой шундай касалликларга чалина бошлаган эди, — дейди Шавкат Мухторов. — Дарҳол олдинки олдик. Бунинг учун ўзимиз «дори» тайёрладик. Қаранг, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлардан маълум меъёردа аралаштириб тайёрланган суюқлик суспензия ҳам касалликка даво, ҳам қўшимча ўғит бўларкан. Бу йил ҳам галламизга касал тушмаска керак. Аммо бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлмайди. Далаларни тинимсиз кузатиб турибмиз. Бирор гап бўлса, олдинки олиш учун тажрибамиз етарли энди.

Туманда галла ўрими-йиммига ҳам пухта тайёргарлик қўрилмоқда. 39та комбайн мавжуд, шундан 9таси «Кейс». Бу билан қаноатланилмай, галласи кечроқ пишиб етиладиган шимолий туманлардан қўшимча комбайнлар ёллаш мўлжалланмоқда.

Абдусамад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«АЁЛ ҚАЛБИ»

МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Кибрай шаҳарчаси Фуқаролар йиғини қошида «2001 йил - Оналар ва болалар йили» муносабати билан «Аёл қалби» деб номланган ишонч маркази ташкил этилди.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлар, хусусан халқаро «Венрок-Интернейшнл» жамғармаси ушбу марказнинг хомийлари ҳисобланади.

Марказнинг асосий мақсади хотин-қизларга психологик, маънавий ва

ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва фаоллигини юксалтириш, руҳий ҳамда маданий қадр-қимматларини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этишдан иборатдир.

Шавкат ҚУЛИБОВ.

100 МИЛЛИОН

СЎМЛИК КЎЧАТЛАР

Ангренада жойлашган ўрмон хўжалиғи жамоаси мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини қўқаламзорлаштириш, айниқса, янги мева боғлари барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Улар республикаимиз мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланадиган жорий йилда, айниқса, самарали ишладилар. Хўжаликда шу вақтгача 100 миллион сўмликдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, турфа гуллар етиштирилди ва буюртмачиларга етказиб берилди. Биргина Ангренада бу

йил ўтказилган ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ойлари давомида улар етказиб берган 10 минг тупдан ортиқ ҳар хил дарахт кўчатлари экилди. Шаҳар касб-хунар коллежи 5 миллион сўмлик кўчатлар билан таъминланди.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

УЛБОСИН ГОЛИБ

БЎЛДИ

Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш туман бўлими ходимлари ўртасида илк марта «Энг билимдон ходим» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда саккиз нафар меҳнат инспекторлари Кибрай тумани маданият уйида ўз билим, малака ва тахрибаларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Танлов иштирокчиларига меҳнат ҳақидаги қонунлар, ижтимоий таъминот масалалари, юртимиз тарихи, истиқлоли ҳақида саволлар

берилди. Сўнгра улар эркин мавзуда кўч синашдилар.

Беллашувда Улбосин Овулбоева «Энг билимдон ходим» деб тан олинди.

Танлов голибига 6 минг сўм пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз.

СУҲБАТ СЎНГИДА

МУРУВВАТ

Охангарондаги Хонобод маҳалласида ўтказилган давра суҳбатига шаҳар ҳокимлиғи, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари, хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт ва халқ таълими бўлимлари ходимлари, қатор жамғармалар вакиллари ташриф буюрдилар.

Улар маҳаллада турли диний экстремистик оқимларга, ғиёвандликка қарши олиб борилаётган кураш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳайр-эхсон ишлари, турли касалликларнинг олдини олиш ва бошқа мавзуларда гапириб, йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб беришди.

Тадбир сўнгида «Эко-сан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан марказий касалхона вакиллари салкам икки юз минг сўмлик тиббий анжомлар ва дори-дармонлар топширилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

ЧОРВА УЧУН

ДОРИХОНА

Ветеринария соҳасида кўп йиллар ишлаб, катта тажрибасига эга бўлган Нўмонжон Абдуразақов ветеринария дорихонасини очиб ташлаб буси билан чикканда Бөкбод шаҳри ҳокимлиги уни қўллаб-қувватлади.

Шаҳарда қад кўтарган кўп қаватли иморатлардан бирининг пастки қаватидан мазкур янги муассаса учун хоналар ажрати берилди. Ишбилармон уларни таъмирлади, зарур анжомларни келтириб, қисқа муд-

датда ишга туширди. «Даврон» деб ном қўйилган бу дорихона мол-ҳол боқаётган бекободликларга чорванинг соғлом бўлиши учун зарур дори-дармонлар етказиб берапти.

Баҳора ҲАРАОВА.

БОШОҚ ТҮЛА РИЗҚ

ортиғи билан бажарилиб, галлакорлар ҳам мўмай да-ромадга эга бўлдилар. Шу боис бу йилги ҳосил учун ажратилган 7650 гектар майдоннинг ярмидан кўпи, яъни 3958 гектарига «Умманка» экилди. Бу бежиз эмас. Мақсад шуки, уруғ-лиқнинг ҳаммасини четдан келтиришга барҳам бериб, имкон даражасида ўзларидан етиштириш. Туман ша-

чи омили оила пудрати, чек дафтарчаси тўла жорий этилгани ҳамда пудратчилар билан хўжалик бошқаруви ўртасида тузиладиган шартноманинг қонуний кучига эга бўлиши таъминлангандир. Шартномада томонларнинг вазифа ва ҳуқуқлари аниқ белгилабгина қўйилмай, бутун мавсум давомида унинг ҳар бир шартига оғишмай амал

лар оз эмас. Айтайлик, пудратчи 5 тонна бугдой олди. Бозорда эса унинг килограмми ҳозир 120 сўм. Демак, шунинг ўзидан 600 минг сўм даромад кўради. Давлатга сотган галласи учун оладиган иш ҳақи эса бунга қўшимча. Шундай бўлгандан кейин пудратчи жон куйдириб ишлайди-да. Тўғри, пудратчилар манфаатдорлик билан ишлаяп-

ти. Уруғликдан тортиб, парвариш даврида бериладиган азотли ва фосфорли ўғитнинг ҳар граммича талаб қилиб, тарозидан ўтказиб олишяпти. Сувини вақтида беришиб, қаровсиз моллар пайхон қилмаслиги учун қўққлашяпти. Тинмай бугдой оралаб, бирон туп бегона ўтқи қолдиришмайди. Уриб-янчи пайтида ҳам талон-тарожга йўл қўйишмайди.

Қаров яхши бўлса, галлазорга касаллик ҳам ораламас экан. Ўтган йили бирорта картага занг ҳам,

роитида мўл ҳосил тўқадиган навлардан кўзда экиладиган уруғлиқнинг асосий қисмини тайёрлаш мўлжалланмоқда. Шунда ортиқча харажатларга чек қўйилди, галланинг таннарих арзоналашиб, хўжалик ҳам, пудратчилар ҳам иқтисодий наф қўришди. Энг муҳими — уруғлиқ ишончли бўлиб, ўз фойиз униб чиқди, кўчат қалинлиги меъёрида бўлади ва ҳосилдорлик янада барқарорлашад.

Галлачиликда эришилётган ютуқларнинг иккин-

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Давлатнинг жамият ҳаётида туғган ўрнини белгилашда у қандай вазифаларни, функцияларни амалга оширишига, бошқа айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб боради, ундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Шу боис Конституциянинг 14-моддасида ўрнатилган меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимияти қарор топтирган давлат эканлигини яққол кўрсатиб турипти. Мазкур модда алоҳида равишда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади.

Хукукий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсасдан устуналигидир. Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнаин шахс манфаатларига мос тулади.

Конституциямиз ушбу моддасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасида айнаин вақтларда амалга оширилаётган чўқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислохотлар билан белгиланади. Бундай ислохотлардан кўзда тутилган энг асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлиги эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. «Мақсадимиз аниқ», деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов, «бозор иқтисоди таъминоти асосланган, эркин, очик, демократик давлат қуриш». Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор асарлари ва китобларида Ўзбекистоннинг ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган вазифаларини ва фаолият дастурини аниқ кўрсатиб берган.

Ўзбекистондаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, ислохотлар фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилмоқда. Бунда давлат бош ислохотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбарининг асарларида ҳам инсон учун муносиб турмуш ва иш шaroитларини яратиш барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсади эканлиги алоҳида уқтирилади. Шу сабабли Ўзбекистон давлати ишга лаёқатсиз кишиларни, ногиронларни, кўп боали оилаларни, қаровсиз қолган гўдакларни моддий ва ижтимоий

ий жиҳатдан ҳар тарафлама кўлаб-қувватламоқда. Давлатимизнинг ижтимоий адолат принципи асосида фаолият юритиши худди шу борада ёрқин кўринади. Яна бир муҳим томони шундаки, давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Бу ҳукукий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир.

Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳукукий ҳужжатларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини ўрнатади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кўнға эгалигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини аниқлатади. Шу билан бирга бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай таъминланиши, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўзбошимчилигига йўл қўймаслиги, фуқароларнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда тутди. Бир сўз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади.

Қонунийлик принципининг таъминланишида давлатнинг вазифаси нимадан иборат, деган табиий савол туғилади. Бунда давлатнинг асосий вазифаси қонунлар ва ҳукукий ҳужжатларни юқори савияда ижод этиши ташкил қилиш, қонунларни жамият тараққиёти даражасига мослаштириб бориш ва ниҳоят, юқорида тилга олинган асосий принципларни ҳукукий жиҳатдан кафолатлаб беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, Конституция бўйича давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида юритади. Бу эса унинг демократик моҳиятини намоён қилади.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
ТДЮИ давлат ва ҳуқуқ назарияси
ҳамда тарихи кафедраси
ўқитувчиси.

ШЎЪБА КОРХОНАНИНГ ОДИМЛАРИ

Олмалик рўзгор кимёси заводи бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ниҳоятда оқсаб қолди. Янги шароитларда ишлашга вақтида ҳозирлик қўрилмагани, ташкилий ишлардаги камчиликлар охир оқибатда заводни банкрот бўлишга яқинлаштирди.

Корхона умуман тўхтаб қолмаслиги учун дастлаб унинг негизда «Альбо» ўзбек-болгар қўшма корхонаси барпо этилди. Аммо, бу ҳам яхши самара бермагач, корхона савдога қўйилиб, унга харидорлар излашга киришилди. Аниқсиз, хориждан харидор тонишга алоҳида эътибор берилди. Чунки, чет эллик инвесторлар топилса, корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш нисбатан енгил кўчарди.

Қарангки, корхонанинг иқтиқоблига ишонган ва уни харид қилиш истагини билдирган сармоядорлар анчагина экан. Шу боис ўтказилган тендер улар орасидан энг мақбулдир ташлаб олиш имконини берди. Россиянинг «Урал рангдор тошлари» акциядорлик жамиятининг тақдирини тўхта-дигани. Унинг маъмурияти корхонани тулик сотиб олиш ва бу ерда маншай кимё маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйиш тақдирини билди. Контракт шартномаси тузилгач, унинг негизда «Шарқ паллади» номи билан юридик шаклда шўъба корхона барпо этилди. Янги ишлаб чиқариш тузилмаси салкам бир ярим йилдан бери бир маромда ишламоқда, бозор талабига мос келадиган маҳсулотларни тайёрламоқда, янгилашни ўзлаштирмоқда.

Олмаликда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ой сайини ортиб, топшириқлар муваффақиятли бажарилаётган экан, бунда «Шарқ паллади»чиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар хомашё таъминоти яхши йўлга қўйиб олишди. Унинг бир қисми ташқаридан келтириладиган бўлса ҳам, ички бозордан сотиб олиш ҳажми муттасил кўпайиб бормоқда. Бу, албатта, тайёрланаётган маҳсулот таннархига ижобий таъсир қияпти.

Фарона, Анрен, Газалкентдаги қатор корхоналар билан хомашё сўзаси бериш юзасидан тузилган шартномалар тула бажарилаётти. Улардан глицерин, турли хил суюқликлар, кимёвий компонентлар олинмоқда. Корхона «Аммофос» ишлаб чиқариш бirlашмасининг ҳам миқозларидан бири ҳисобланади.

Жамоа асосан ички бозор эҳтиёжларини қондиришни ўзининг бош вазифаси, деб қарамоқда. Чунки, республикада турдош корхоналар ҳали кам. Ҳозирги вақтда ҳаётда ўрнатилган конвейер линияларидан етти хил шам-пун, олти хил тиш настала, «Кўмакчи», «Чистолан» каби кир ювиш қукулилари узлуксиз тушиб турипти. Эңилликда уларни хорижга ҳам экспорт қилиш имконияти ишга солинмоқда. Натижада чет эллик буюртмачилар ҳам топилди. Маҳсулотлари Россия, Украина, Қозғоғистон каби яқин хорижий мамлакатларга жўнатиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача бундай маҳсулот ҳажми 430 минг АҚШ долларига етди.

— Екаторинбургда жойлашган бош корхонамиз ҳозир «Калина» концерни деб юритилади, — дейди корхона директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Василий Ким. — Маркетинг хизмати бизга ҳар ой учун ишлаб чиқариш режасини беради. У ички ва ташқи бозор талабини олдиндан ва ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқади. Маҳсулот тури, унинг ҳажми белгилилади. Шу асосда ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Биз иқтисодий ишонч билан қарайми. Жамоамиз корхона шўхратини янада ошириш учун барча омиллардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Собир ҲАМИДОВ.



«ЗАМОНА АЁЛИ»

Тошкентдаги «Зарафшон» концерт залда ана шу ном остида танлов ўтказилди. Байрамон руҳда уюштирилган ушбу муҳим тадбирнинг ташаббускори ва ташкилотчиси Тошкент вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси бўлди. Бу сарфар муҳташам концерт залига вилоят бизнесининг энг фаол аёллари тўпландилар.

Таъкидлаш жоизки, бундай аjoyиб танлов республикамизда иккинчи бор ўтказилди ва у «Замона аёли» деб номланди. Аввалгиси Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси томонидан ўтган йили «XXI аср аёли» номи билан ташкил этилганди.

Бундай танловларни изчил уюштириб туришдан мақсад ўрта ва кичик бизнесга аёлларни имкони борича кўпроқ жалб этишдир. Биз вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Гулнора Махмудовадан «Замона аёли» танлови ҳусусида батафсил сузлаб беришни илтимос қилдик. Дарвоқе, Гулнора Махмудова «XXI аср аёли» танловининг голибидир.

— Ушбу танловга қарийб бир ой давомида қизгин тайёргарлик қўрилди, — дейди у. — Унинг иштирокчилари олдига юксак талаблар қўйилди. Танлов қатнашчилари бўлган аёлларнинг барчаси нафақат замонавий тадбиркор, балки оилали, яъни эрли ва бола-чакали, жоматчилик ишларида фаол қатнашадиган, шу билан бирга ораста бўлишлари зарур. Вилотиямизда эса, бундай талабларга жавоб берадиган аёллар оз эмас. Шу боис улар орасидан муносиб иштирокчиларни танлаб олиши-

миз жуда қийин бўлди. Шу сабабли саралаш босқичи ўтказиб, Зарафшон концерт залига вилотиямиз бизнесининг энг лойиқ вакилларидан етти нафарини тўплавга эришдик. Қийрайдан Наргиза Назарова ва Шоира Рустамова, Паркентдан Сайёра Мўминова, Паркентдан Холита Султонова, Охангарондан Гаҳар Болтаева, Чиноздан Ҳадида Собирқуллова, Юқоричиқдан Фариди Каримова голиблик учун бахшландилар.

Таниқли дизайнерлар, услубийетчилар раҳбарлигида кечган бир ойлик тайёргарлик чоғида ушбу аёлларимиз кўп нарсаларни ўрганиб, ўзларининг билимларини янада бойитдилар. Жумладан, сахнада ўзларини эркин тутишга қўйқидилар, оёру ва нуфузларини оширдилар, келгусидаги бизнес ишларида қўл келадиган кўпқал фойдали ахборотларни ўзлаштирдилар.

Табиийки, ишбилармон аёлнинг нуфузи тадбиркорликдан ташқари, доимо хушрўй, хушсухан бўлиши талаб этади. Биз танлаган етти нафар аёлларимиз ўзларининг ана шу хислатларини моҳирлик билан намоийш эта олдилар. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, «Замона аёли» шунчаки танлов бўлиб-

гина қолмай, у жуда қизикarli, муҳлисларни ўзига ром этувчи, маҳорат билан қўйилдиган томоша ҳамдир. Бинобарин, ушбу танловни ташкил этишда «Замин юлдузлари» томоша-танлови орқали кўпчилиққа танилган режиссёр Саъдулла Абдуллаев катта хисса қўшди. Шунингдек, муҳлисларга таниш бўлган кинорежиссёр Рашид Маликов ҳам иштирок этди. Танловни ўтказишда эса, Ҳамза номидаги драматик театр актёрлари Равшан Жўраев ва Тохир Содиков ердан беришди. Улар тадбиркор аёллар ҳаётига оид қулғили сахналарни танлов иштирокчилари билан биргаликда ижро этдилар.

Танаффус пайтида Ўзбек эстрадаси юлдузлари Равшан Комилов, «Байрам» гуруҳи, Даврон Эргашев, Шўхрат Каюмов ва бошқалар ўз санъатларини намоийш этдилар.

Модал кийим ижодкорлари Шохиста Ҳўжаева ва Елена Телегина хонатлас ва бахмалдан шарқона тикилган аjoyиб кечки қўйлақлар туркумини томошабдорларни ихтиёрига тақдим этдилар. Қийрайдан «Наргиза» соғломлаштириш маркази раҳбари, ёш ва хушрўй аёл, умр йўлдоши билан уч нафар фарзандларини тарбиялаётган, хайрия тадбирларида мунтазам иштирок этаётган Наргиза Назарова «Замона аёли» танловининг дастлабки голиби бўлди.

Лобар ТОЛИБОВА.
СУРАТДА: «Замона аёли» танловининг лаҳза.
Аида САЙТОВА олган сурат.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ИЙЛЛАР

2. Дунёга юз тутиб

Мустақиллик йилларида хориж инвестициясига йўналтирилган замонавий қўшма корхоналар туман иқтисодиётини ривожланиш йўлига олиб чиқаётган асосий йўналишлардан бири бўлмоқда. «Гидравлика» ҳиссдорлик жамияти шу корхоналарнинг етакчиси. У Голландиянинг «Комплект Европа В. У.» компаниясининг сармояси ҳисобига тиклиниб, қишлоқ хўжалик машиналари учун турли насосларни ишлаб чиқармоқда. Улардан экскаваторлар, тракторлар, юкгаичлар, автомашиналарни бўтлаш учун фойдаланилмоқда.

Инвестиция дастурига кўра бу йил ҳам хориж инвестори 150 минг АҚШ доллар микдорида сармоя ажратди. Бу маблаг фақат корхона янги техника билан қайта қуроллантириш учун сарфланадигани, натижада технология жараёнлари яна ҳам тақомиллашиб, маҳсулот тури кўпайди.

— Ҳозирдаёқ маҳсулотимиз ўз сифати бўйича халқаро стандартлар даражасига етиб қолди. — дейди корхона раҳбари Ўткир Сайфуров. — Икки ярим йилки, бирор радиянома олганимиз йўқ. Бу йил 15 минг дона насос ишлаб чиқаришни режалаштирганимиз.

Шу икки йиллик инвестиция дастурини амалга ошириш пировардида янги технология линиялари ишга тушди. Яна юздан зиёд ишчи ўрни очилди. Пировардида «Гидравлика» 200—250 малакали ишчи меҳнат қилаётган гўя замонавий технология тизимдаги корхонага айланади.

Туман иқтисодида ташқи савдо айланимаси 6 миллион АҚШ доллар даражасидан ошмоқда. Сўнгги бир йилда маҳсулот ишлаб чиқариш — иш ва хизматлар 225 фоиз ўсиб, ялпи ҳажми 1,6 миллиард сўмдан кўпайди. Хорижга Зағиота корхоналари тамғаси таширилган маҳсулотлар экспорт 202 фоиздан ўтиб, эндиликда йилга

ЗАНГИОТА: МЕҲНАТ БИЛАН ЮРТИНИ ОБОД ЭТГАН ЭЛ

шига 522,7 минг АҚШ доллар сарфланди. Хуллас, бугунги кунда туман иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг ўрни салмоқли. Улар ички бозорни истеъмол буюмлари билан тўлдириб қўшаётган хисса ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар 25тага

6-6,5 минг АҚШ доллар ҳажмининг ташкил этмоқда. Уларни Чехия, Хитой, Россия ва Қирғизистон қўллаб олмоқда. Ўтган йили чет элга тайёр маҳсулот чиқариш контрактда мулжалланганидан 95,5 фоиз юқори бўлди. Импорт ўрнини босувчи материаллари маҳаллий хом ашё ҳисобига шу ерда ишлаб чиқариш кенгайиб бораётганлиги оқибатда туман иқтисодиётига хориждан хом ашё ва материал олиб кириш 43,1 фоиз камайди.

— Қўшма корхоналари ўз иқтисодиётимиз учун фойдаланиш рўсумида ташкил этишга асосий эътибор қаратилмоқда, — дейди туман ҳокими Хасан Нурматов. — Мақсад — ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни бутун чоралар билан кенгайтириш.

Сўнгги икки-уч йиллик фаолият шу нуктадан назардан таҳлил қилинса, эришилган самаралар аниқсиз яққол кўринади. Чунки «Уздой» қўшма корхонаси «Тошкент» ширкат ҳужагида 517,2 минг АҚШ доллар кийматидаги технология ускуналарини сошлаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган заводни ишга туширди. Корхона истеъмолчиларга қўллаб сифатли қолбаса, пишлоқ, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб бормоқда.

Туркия билан ҳамкорликда пластмассадан ром ва эшиклар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ишга туширили-

- Сўнгги бир йилда саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳақиқий норхларда деярли 3,5 миллиард сўмини ташкил этди.
- Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баробар ошди.
- 32та кичик ва ўрта бизнес жамоалари янги-янги саннат ва истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.
- Мустақиллик йилларида туманда 180 километрдан зиёд газ қувурлари, 156 километрдан ортиқ ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди.
- Ўтган йиллар мобайнида 390га яқин иншоот мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилди.



«Ўзбекистон» ҳиссдорлик жамияти оператори Рўзалия Ибрагимова (чапда) ва паррандабоқар Раҳима Исмаиловлар корхона муваффақиятларига муносиб улуш қўшишмоқда.

- Ҳиссдорлик жамиятларига айлан-тирилган 22та саннат, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг устав жамғормалари 300 миллион сўмдан ортиб кетди.
- 1300дан зиёд замондошимиз тадбиркорлик билан яқка тартибда шўгулланимоқда.
- Нодавлат корхона ва ташкилотларнинг туман ялпи маҳсулотидидаги улуши 78,4 фоизни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда — 92,8 фоизни, пуллик хизматнинг 60 фоиздан ортиқроқ қисминини ташкил этмоқда.
- Қўшма корхоналар бир йилда 721,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.



Бугун туман ишбилармонлари биллур идишлар, ўтга чидам йиғилар, фойдалан миңералларга бой ичимлик суви, кийим-кечак, эшик ва ромлар, бошқа турли-туман буюмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Шундай, Зангиота фарзандлари ўзларини дунёга дадил-дадил танитишмоқда.

Самарқанддан мактуб ҚУРОЛДОШИМИ ИЗЛАЙМАН

1941 йилнинг даҳшатли уруш тоғини Фарбий Украинанинг Перемишл шаҳрида жойлашган 92-чегара отрядида қутиб олгандик. Мен самарқандлик, Давлат Саидов эса Тошкент вилотиядани (қайси тумандан эканлиги едимда йўқ) келганди.

...Қирқ соат давом этган тенгсиз жангда душман билан мардона олишдик. 24 июнь кун чекинишга буйруқ олгач, мен дўстим Давлатни йўқотиб қўйдим.

Ғалабадан кейин соғсаломат уйга қайтдим. Йиллар ўтаверди. Ҳали ҳозир дўстим Давлатнинг сўзасомоллиги, қулиб туришлари, айтган ўланларини эслаб юраман. Менимча, у қозоқ миллатига мансуб эди, аммо ўзбекчани яхши гапирарди.

Агар умри вафо қилиб, она юртига қайтган бўлса, у ҳозир 80 ёшларга бориб қолган бўлиши керак.

Биз хизмат қилган 92-отряднинг жанговар йўли, шон-шўҳрати ҳақида қўллаб хотиралар битилган. Агар қуролдош дўстим Давлат Саидов урушда шахид бўлган бўлса, охираги обод бўлсин, унинг жасоратини айтиш эса, биз кексаларнинг зиммасиздадир.

Албатта, мен Давлат Саидов ҳақида Тошкент вилотия ёшлари ҳам билсинлар, ундан ибрат олсинлар, деган мақсадда ушбу мактубни ёзишга журъат этдим.

Салом билан,
Самарқанд вилоти,
Пастдарғом тумани,
Темирхўжа қишлоғида
яшовчи, уруш ва
меҳнат фахрийси
Абдулла БАДДИЕВ.

10 АСРГА ТАЪРИҚЛИК ЙИЛЛАР

3. Шижоат қанотида

Туман кишлоқ хўжалигида ислохотлар ўз самараларини бера бошлади. Хўжалиқларда бўлиб, раҳбарлар, мутахассислар ва деҳқонлар, боғбонлару чорвадорлар билан суҳбатлашгангиз, бунга ўзингиз иқроор бўласиз.

«Зангиота» ширкат хўжалигининг раҳбари Иномиддин Мухиддинов дейди: — Мулкчилик шакли ўзгаририлган, ишловчининг ерга, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати бутунлай ўзгарди. Хар бир оила ўз ерида бутун вужуди, ихлоси, сабр-қаноатини намоеён этиб ишлайдиган бўлиб қолди. Хўжалик мулкдаги ўз улушини аниқ хис қилиш шундай бир жонлини келтириб чиқармоқда. 234 оилавий пудратчи билан тузилган шартноманинг барча бандларини оғишай бажариш ҳар икки томоннинг мақсадига айланди.

Ишга муносабатнинг бундай ўзгариши биринчи йиллик ўз натижаларини кўрсатди-қўйди. Ширкат хўжалигидаги 152 гектар ҳосилли тоқзордан ўртача 218 центнердан узум олинди. Режадагидан ҳийла кам — 365 минг сўм сарфланиб, хар гектардан 904 минг сўм даромад кўрилди.

Хўжаликда бўлганимизда, икки пудратчи оила меҳнатининг иқтисодий яқунлари билан танишдик. Боғбон Абдулла Тожиёв узум ҳосилдорлигини хўжаликдаги ўртача даражадан 165 центнер юқори кўтарди. Шунинг эъзизига оила мўмай — 1 миллион 109 минг сўм даромад олди. Олмазорларни парвариш қилган пудратчи Зокир Акбаров йилни 617 минг сўм фойда билан яқунлади. Бунинг учун оила аъзолари 6 гектар олмазорни меъёрида парваришладди. Ҳосил ҳам шунга яраша мўл бўлди. Гектар ҳисобига 90 ўрнига 173 центнердан мева етиштирилди. Боғбон Баҳодир Мухиддинов бўлса 0,9 гек-

тар майдондан режадаги 150 центнер ўрнига 359 центнер ҳосил топириб, 736 минг сўм даромад қилди.

Ширкат хўжалиги дегани — ҳисоб-китоб дегани эканлигини «Зангиота»да каттаю кичик чўқур тушуниб етди. Утган хўжалик йилини биргаликда таҳлил этиб ўтириб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳаллачилик, сут-гўшт чорвачилигининг ўтган йилги натижалари ҳам ўрнига сарф-ҳаражат қилиш, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларида оқилона фойдаланиш оқибатида анча юқори бўлди. Сут топириш шартномавий режаси 102 фоизга, гўшт — 200 фоизга бажарилди.

Яна бир жиҳати ибратли. Хўжалик етиштирилган ҳосилни пешма-пеш пуллаб юбориш эмас, ўзи қайта ишлаб, ҳозирча ярим хом ашё сифатида сотиш йўлидан борапти. Ҳосилнинг мўл бўлиши уни қайта ишловчилар иш рисо-ласига ҳам жиддий тузатиш киритди. 140 ўрнига 278 де-калитр шароб хом ашёси тай-ёрланди.

Иқтисодиётга, молиявий ишлар жараёнига янгича ёндошувлардан хўжалик ҳам, пудратчи оилалару ҳосилни қайта ишловчилар ҳам катта наф қўришапти. Яна ўша таҳ-лилларга қайтиб, шунинг айтиш жоизки, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси 43 фо-изга етди. Хўжалик аъзолари-га жорий иш ҳақи, устамалар ва дивиденд тариқасида 111 миллион 581 минг сўм сарф-ланди. Бундай натижалар да-лада, чорва фермаларида меҳ-нат қилаётган кишиларнинг ишга шахсий муносабатида қандай ўзгаришлар келтириб чиқараётганини бошқа бир қишлоқда — «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг дала-ларида кузатдик. Шу кунларда

ЗАНГИОТА: МЕҲНАТ БИЛАН ЮРТИНИ ОБОД ЭТГАН ЭЛ

агроном Жўра Худойбергенов билан ҳам фурсат топиб суҳбатлашиш мушкул. Улар эртаю кеч далада. Ислохотлар туфайли бошқарув тизими их-чамлашиб, раҳбар, мутахассис борки, вақти ҳисобили. Айниқ-са эртаги ҳосил йиғиштири-либ, ўртаги экинлар парвари-ши қизгин тус олган шу кун-ларда.

«Ўзбекистон»да дала иш-лари рисолада кетаяпти. Ким қаерда нима билан бандли-гини, қайси пайкалдаги ғалла иккинчи марта қачон сўри-ганлиги, айтилиб, эртага қай-си пудратчи қанча саримсоқ пивз топиришини раис аниқ билади. Ишлар тигиз тус ол-ган шу кунларда бу осон эмас-лигини кўпчилик идрок эта-ди, албатта.

Хўжалик эса сертармок. Ҳаллачилик, озуқа экинлари, очик ва ёпик майдонлардаги сабзавотчилик, сутчилик — бу-ларнинг ҳаммаси меҳнат, ма-лака, уқув ва қўнт талаб қи-ла-

ди. Далаларни айлансангиз, бу фазилатлар эгаларини ҳар далада учратасиз. Масалан, Абдували Қодиров, Йўлдош Ақромов, Мурод Чўлпонов сингари механизаторларга илгаригидек «уни қил, бундай ишла» дейишга асло ўрин йўқ. Шу кунларда улар 70 гектар майдонга маккажўҳорини экиб бўлишди. 4 гектарлик иссиқ-хонада эса помидорлар кир-миши тусга қияпти. Бош пуд-ратчи Маҳмуд Алиев бўлса са-лабки ҳосилни истеъмолчи-ларга жўнатиш ташвишда.

— Қорамолчилик ферма-мизда Мохира Содиқова, Инобат ва Наргиза Пиримо-ва, Зухра Нажмиддинова каби

хиссалари катта. Чорвадорлар ҳозир 670 бош қорамолни парваришладяпти. Йиллик соғим 700-715 тоннадан ошапти.

Лекин туман кишлоқ хўжа-лигида ислохотларнинг нати-жалари хусусида тасаввур ҳосил қилиш учун юқорида-гиларнинг ўзи кифоя эмас. Бугун кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши турли мулкчилик кўринишларида — намоеён бўлмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бир «жанжал»нинг устидан чиқдик. Бошлик тажани, мутахассис-лар гаранг бўлиб туришарди: нима қилиш керак?

Сўхбатдан шу нарса ойдин-лашдики, бир «опа» деҳқон хўжалигини ташкил этган. Маблағ жамғариб, қорамолни кўпроқ сотиб олган. Табиий-ки, бошқармадагилар қонун-ни яхши билишади, уни ҳимоя қилишади, уни бажар-ишади. Қонун эса йил ярим-лаб қолганда деҳқон хўжа-лигини фермер хўжалигига айлантиришга «йўл бермай-ди». Бунинг ташвишлари кўп: қарор чиқариш, ўша «опа»га озуқа экинлари учун ер аж-

ратиш... Бу томонда бир му-тахассис «опа»нинг ўжарлиги (аслида ташаббуси ва қатъия-ти!) қишлоқда антисанитария ҳолатини туғдираётганини пеш қилиб, далолатнома туз-моқчи...

Мен бошлиқнинг гап-сўзларини тинглаб, моҳиятни илғамаслик, шошма-шошар-лик ва юзакчилик оқибатла-ри айниқса мулк шакллари ўзгарган ҳозирги пайтда ту-затиб бўлмайдиган оқибат-ларга олиб бориши мумкин-лиги ҳақида уйландим. Хай-риятки, пировардида оқиллик устун қикди: бошлик масала-ни «йўлаб ҳал қилиш» нияти-ни билдирди.

Қишлоқ хўжалигида «Нима қилиш керак?» деган савол кўндаланг бўлиб қола-диган бундай пайтлар тасо-диқ эмас. Шунда оқилона иш тутиш, халқимиз айтмоқ-ни, етти ўлчаб, бир кесиш ишни ривож топтириб, мақ-садга етказяпти. Акс ҳолда 1998 йиллик олти жамоа хўжалигиде бирйўла мулкчи-лик шаклини ўзгартириб бўлмасди. Бугун эса деярли барча қишлоқларда ширкат

РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛИ:

- Кейинги уч йилда туманда дон етиштириш 15 фоиз, картошка — 5, сабзавот маҳсулот-лари — 37, гўшт — 65, сут — 6, тухум — 40 фоиз ўсди.
- Туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бу йил деҳқончилик ва боғдорчиликда маш-гул бўлган 2319 оила билан хўжалиқлар ўр-тасида тузилган пудрат шартномаларини рўйхатга олди.
- Оилавий пудратчилар 2361 гектар майдонда ғалла, 357 гектар майдонда маккажўхори дони, 1955 гектар майдонда мева, 509 гектар майдонда узум етиштиришмоқда.
- Туман қишлоқларида 80дан ортқ фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда.
- Бу йил туман бўйича бошқоқ дон ҳосил-дорлигини — 40, сабзавот экинлари ҳосил-дорлигини 210, картошка ҳосилдорлигини 150 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

хўжалиқлари фаолият кўрса-таяпти. «Бўзсув» деҳқон-фермерлар уюшмасига ай-ланди. Улар хар йили рес-публика хўжалиқларида 18-19 тонна сара сабзавот уруғлари етказиб беришапти. Экинлар ҳосилдорлиги ҳам ортиб бор-моқда. Утган йили уюшма 215 миллион сўмдан кўпроқ ялпи даромад жамғарди. Шу нарса диққатга сазоворки, туман хўжалиқларидаги экин май-донларининг асосий қисми — 6276 гектар ер оилавий пуд-ратчиларга бириктирилган. Ислохот қалдирғочлари — фермер хўжалиқларининг

ўтган йили фермер хўжали-лари дуккакли ва бошқоқ дон етиштириш режасини 114, макка донини 132, кар-тошкани — 167, мевани — 141, узумни 203 фоиз ба-жардилар.

«Қобил ота» фермер хўжа-лигига 1994 йили «Назарбек» жамоа хўжалигидан 13,6 гек-тар ер сўғориладиган экин майдони — ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун қангалзор-га айланаётган тўзтор ажра-тилган эди. Уни ер ҳолига келтириш учун Қомилжон бутун оила аъзолари, келин-куёвлари билан икки йил тер-тўкди. Теварак-атрофдаги те-паликлар текисланиб, ер май-дони 20 гектарга етказилди. Иссиқхоналар қурилди. Бугун

Ха, Зангиота қишлоқла-рида ишларнинг бориши шундай. Ислохотлар деҳ-қончилик ва чорвачиликни хилма-хил мулкчилик асос-ларида ривожланиш йўлига олиб чиқмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Ускуна йиғувчи» директорининг ўрин-босари Уринбой Аҳмедов йиғув цехининг бошлиги Шухрат Мухиддинов билан. 2. «Зангиота» ширкат хўжалигида бе-данинг биринчи ўрмида 30 центнердан озуқа олишмоқда. Бош пудратчи Маҳмуд Муборов (ўнгда) билан қомбайнчи Маннон Усмоновлар қўвонч чексиз. 3. «Қобил ота» фер-мер хўжалигининг раҳбари Қомил Қобиллов (ўнгда) билан ишловчи Асомиддин Мухамедовлар помидор ҳосили сифа-тидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

2001 — Оналар ва болалар йили

МЕҲР-МУРУВВАТИМИЗ НАМОЙИШИ

Касаба уюшмалари Тошкент вилоят таъкилотлари «Ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш» ойлгида фаол иштирок этдилар. Корхона, ташкилот, хўжалик, ўқув муассасаларида кўчалар, ҳибонлар, қабристонларни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш мақсадида шанбаликлар, ҳашарлар уюштирилди.

Вилоят касаба уюшма-лари таъкилотлари томо-нидан жами 1487та шун-дай тадбир ўтказилиб, 137 минг тулдан ортик мевали ва манзарали дархат қўчатлари экилди. Маҳал-лар, корхоналар, таъки-лотлар, гузар ва кўчаларни ободонлаштириш учун жами 1 миллион 503 минг сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, меҳри-бонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбиялану-чиларига моддий ёрдам кўрсатишни қўяптирмоқда. Вилоятдаги 15та «Меҳри-бонлик уйи», мактаб-интернатлар тарбиялану-чиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Болаларга кийим-бош, ётоқхона ва спорт анжомлари топи-рилди.

Тармок касаба уюшма-лари вилоят қўмиталари ҳам ўзларининг ҳайрия тадбир-ларини ўтказмоқдалар. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган 3495 нафар оилага ва ёлғиз қарияларга 2 миллион 630 минг сўмлик ҳайрия ёрдамлари берилди. Хўжалик органлари, маъму-риятлар томонидан шундай оилаларга, жами 5910 нафар одамга 5 миллион 210 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Меҳрибонлик уйлари», махсус мактаб-интер-ларда тарбияланаётган 3029 нафар болага касаба

уюшмалар томонидан жами 1 миллион 910 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ташкилот, корхона, муас-саса, ўқув юртлиари маъму-риятлари томонидан 945 нафар етим болалар, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига 650 минг сўмлик муруват ёрдамлари берилди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан Бўқатди 15- «Меҳрибон-лик уйи»нинг 130 нафар тарбияланувчиларига ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 14- «Меҳрибонлик уйи»нинг 68 нафар тарбияланувчиларига 378,3 минг сўмлик кийим-кечаклар, спорт ва мада-ний буюмлар совға қилин-ди.

Шу билан бир қаторда тармоклар касаба уюшма-лари туман, шаҳар қўмита-лари, бошланғич таъки-лотлар ўз ҳудудларида ўтказилган 300дан ортик ҳайрия тадбирлари, бай-рамлар, спорт мусобақалар-и, шанбалик ва ҳашар-ларда иштирок этдилар. У-руш ва меҳнат фаришля-ри, ногирон ва бетеб бўлиб ётган фуқароларни бориб қўриш, уларга байрам совғалари топи-риш ишлари уюшқоқлик билан ташкил қилинди.

Умуман, бу тадбирлар юксак маънавият, меҳр-оқибат намойишига айлан-моқда.

Мухайё ТўЛАГАНОВА,
Касаба уюшмалари
Тошкент вилояти
кенгашининг раиси.

ОТХЖ «ЯНГИЙЎЛ» ФИРМАСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамиятнинг йиллик ҳисобот йиғилиши 2001 йил 25 май, соат 14.00да Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 143-уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. ОТХЖ «Янгийўл» фирмасининг 2000 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни ва 2001 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2000 йил учун даромад ҳисоботи ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва 2000 йил аудитор текшируви ҳуло-сасини тасдиқлаш.
4. 2001 йил учун Акционерлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.
5. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари таркибини қайта сайлаш.
7. Бошқа масалалар.

ОЧИК ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ «ЯНГИЙЎЛ» ФИРМАСИНИНГ 2000 ЙИЛГИ МОЛИЯВИЙ ЯКУНЛАРИ ҲИСОБОТИ (минг сўмда).

ДАРОМАДЛАР: — Сотишдан олинган соф тушум	504543
— Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	146460
Жами даромадлар	651003
ҲАРАЖАТЛАР: — Ишлаб чиқариш таннари	418696
— Давр мобайнидаги ҳаражатлар	169385
— Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар	10651
Жами ҳаражатлар	598732
— Солиқ тўлагунига қадар умумий фойда	52271
— Солиқлар	45310
— Ҳисобот давридаги соф фойда	6961

«ЯНГИЙЎЛ» ФИРМАСИНИНГ 2000 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА БЎЛГАН БАЛАНСИ (минг сўмда).

АКТИВ	ПАССИВ
Асосий воситалар	Устав капитали
Капитал қўйилмалар	Резерв капитали
Узоқ муддатли инвестициялар	Тақсимланмаган фойда
Ишлаб чиқариш захиралари	Кредитлар
Тайёр маҳсулот	Бошқа пассивлар
Дебиторлар	Кредиторлар
Бошқа активлар	
БАЛАНС	1227234
БАЛАНС	1227234

ОТХЖ «Янгийўл» фирмаси бошқарув кенгаши.

— Озгина эътиборсизлик ёки масъулиятни уну-тиш раҳбару тадбиркорни ноқулай ахволга солиб қўяди, — дейди Тошкент вилояти адлия бошқар-масининг бўлим бошлиғи Абдуқаҳҳор Сатторов. — Бўша туманидаги «Кўкорол» ширкат хўжалиги-да шундай бўлди.

А Сатторовнинг таъкидла-шича, ўтган йили Бўша тум-анидаги «Кўкорол» ширкат хўжалиги раиси Сайфиддин Сайдуллаев оилавий пудрат-чилар Юсуф Отаев ва Урин-

бой Йўлдошев билан пахта етиштириш ҳақида шартнома тузди-ю ҳамкорларини иш ҳақи билан ўз вақтида таъмин-ламади. Шунга қарамадан Юсуф

Отаев ширкат хўжалигига шартномадаги 26 минг 100 ўрнига 31 минг 661 кило-грамм пахта топширди. Урин-бой Йўлдошев эса 13 минг 200 килограмм ўрнига 13 минг 564 килограмм пахта етказиб берди.

Иш ҳақини олиш учун хўжалик идорасига қатнай-веришларидан ҳадеганди натижа чиқаравермаган, пуд-ратчилар вилоят адлия бо-шқармасига мурожаат қилмади. Натижада ҳуку-шўнослар аралашуви билан

иш судга ошди. Суднинг ҳал қилувчи коро-рига асосан, «Кўкорол» шир-кат хўжалигидан Юсуф Отаев фойдасига 567 минг 715 сўм моддий, раис ҳисобидан 35 минг сўм маънавий зарар ун-дирилди. Уринбой Йўлдошев

кўрган 202 минг 831 сўм моддий зарар хўжалик ҳисо-бидан, 20 минг сўм маъна-вий зарар раис қўнғтагидан тўланди.

Раис буванинг уялиши шундан.

«Туркистон-пресс».

РАИС БУВА НЕГА УЯЛДИ?

1 2 3 4 5 6